

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

511 Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини тако- миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш, қишлоқ хўжалиги экинларига агротехник хизмат кўрсатиш ҳамда зараркунандалар ва касалликлардан сақлаш бўйича хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти, шунингдек «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари акциядорларининг «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда — «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унинг таркибига қуйидагилар киритилсин:

«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидан чиқарилаётган «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари (кейинги ўринларда «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари мулккий қисми негизда ташкил этилаётган «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари;

«Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖнинг туман ва туманлараро бўлимлари, шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилиш туман отрядлари негизда ташкил этилаётган «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг туман (шаҳар) бўлинмалари;

чигиртка билан курашиш хизматлари, шунингдек, Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ташкилий тузилмасига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари мулки қисми негизда ташкил этилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг «Чигиртка ва қизил капалакка қарши курашиш хизмати» бўлимлари;

Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ташкилий тузилмасига кирувчи Республика агрокимё станцияси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрокимё станциялари негизда ташкил этилаётган «Агрокимё станцияси» МЧЖ;

Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ташкилий тузилмасига кирувчи Республика ўқув-ишлаб чиқариш биологаторияси негизда ташкил этилаётган «Республика ўқув-ишлаб чиқариш биологаторияси» МЧЖ;

Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ташкилий тузилмасига кирувчи Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти негизда ташкил этилаётган «Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти» МЧЖ.

2. Қуйидагилар «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш, чигиртка, зарарқунандалар, ўсимликлар касалликлари ва ёввойи ўтларга қарши курашиш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни олиб бориш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртмаларини умумлаштириш йўли орқали минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларига бўлган талабнинг ҳар йилги прогнозларини шакллантириш, шунингдек, минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашни, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ва тақсимланишининг ҳар йилги балансларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

белгиланган назорат ва сигнал майдонларда радиологик ва токсикологик кузатувларни олиб бориш, агрокимё картограммаларни тузган ҳолда, тупроқ ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги оғир металллар тузлари ва пестицидлар, чўкинди қолдиқлари, тўпланган радионуклидларни таҳлил қилиш;

тупроқни озиклаш моддалари таъминотини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигига минерал ўғитларни дифференциал ва агрокимё картограммаларга қатъиян мувофиқ кўринишда етказиб беришни таъминлаш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш, зарарқунандалар, ўсимликлар касалликлари ва ёввойи ўтлар билан курашиш соҳасида фермерлар ва деҳқон хўжаликлари, бошқа ташкилотлар ҳамда аҳолига комплексли агрокимё хизматларини кўрсатиш, шакллантирилган буюртмалар ва кафолат шартномаларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари зарарқунандалари билан курашишнинг биологик усулларини кенг қўламда ривожлантириш ва қўллашга кўмаклашиш, биоматериаллар сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, биологаторияларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, биологик препаратларни ишлаб чиқариш;

республика ҳудудида ер майдонлари, ўсимлик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фитосанитар ҳолати устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек зарарқунандалар, ўсимлик касалликлари ва ёввойи ўтларнинг ривожланиши ва кўпайиб кетишини прогнозлаштириш ва мониторинг қилиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича профилактика ва интеграция чора-тадбирларини ўз вақтида ташкиллаштиришни таъминлаш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг ташкилий тузилмаси ва «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ таркибига кирувчи ташкилотлар рўйхати 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг бошқарув ходимларининг чекланган сони 41 кишидан иборат ижро этувчи аппарати тузилмаси ҳамда «Агрокимёҳимоя» ХАЖнинг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари жамият акциядорларининг умумий йиғилишларида сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимларга тасдиқланади ҳамда тегишли равишда мақоми жиҳатидан вазир ва унинг ўринбосарига тенглаштирилади.

4. Қуйидагиларнинг:

«Ўзкимёсаноат» АЖ мулкнинг қисмини баланс нархи бўйича ҳамда унинг «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖлари устав капиталларидаги улушини «Ўзкимёсаноат» АЖнинг устав капиталига берилган қиймати бўйича давлат фойдасига бериш, шунингдек, шунинг ҳисобидан «Ўзкимёсаноат» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини мос равишда камайтириш тўғрисида «Ўзкимёсаноат» АЖ акциядорлари таклифи;

«Республика ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимё воситалар базаси» АЖ акциядорларининг жамиятни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Белгилансинки,

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг устав капитали «Ўзкимёсаноат» АЖ мулкнинг қисмини баланс нархи бўйича ҳамда унинг «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖлари устав капиталларида улушини «Ўзкимёсаноат» АЖнинг устав капиталига берилган қиймати бўйича топшириш, Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш туман отрядлари, чигирткага қарши курашиш бўйича хизматлар, Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти, Республика агрокимё станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрокимё станциялари, Республика ўқув-ишлаб чиқариш биолоботорияси мулкнинг баланс қиймати ҳисобига шакллантирилади;

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖ «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ ва Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш туман отрядлари, чигирткага қарши курашиш бўйича хизматлар, Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти, Республика агрокимё станциялари, Қорақалпоғистон республика ва вилоятлар агрокимё станциялари, Республика ўқув-ишлаб чиқариш биолоботориясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг ижро этувчи аппарати фаолиятини жорий

* 1 — 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

таъминлаш ва молиялаштириш дивидендлар, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти тушумларидан ва бошқа қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

чигиртка ва қизил капалакка қарши профилактика ва курашиш радиологик ва токсикологик кузатувларни олиб бориш, тупроқ ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги оғир металл тузлари ва пестицидлар чўкинди қолдиқлари, тўпланган радионуклидларни таҳлил қилиш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш бюджетдан ажратилган пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

«Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти» МЧЖ учун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказида солиққа тортиш, молиялаштириш ва ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шарт-шароитлари қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва «Ўзкимёсаноат» АЖ икки ой муддатда:

«Ўзкимёсаноат» АЖнинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқишни ва тасдиқланишини таъминласин, белгиланган тартибда унинг устав капиталини шакллантирсин, янги акциялар чиқарилишини ва уларни жойлаштирилишини амалга оширсин;

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг устав капиталига берилган мулк қисмини «Агрокимёсаноат» ХАЖ ва «Чигиртка ва қизил капалакка қарши курашиш хизмати»нинг ҳудудий бўлинмаларига топширилишини таъминласин;

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг устав капиталига топшириладиган мулк ва улушлар қиймати суммасига «Ўзкимёсаноат» АЖнинг устав капиталини камайтирсин.

7. «Ўзагрокимёҳимоя» АЖга белгиланган тартибда «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг махсус тараққиёт Жамғармасини ташкил этишга ҳуқуқ берилсин, қуйидагилар Жамғарманинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

ҳудудий «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг устав капиталидаги «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг улушига ҳисобланадиган дивидендларнинг 50 фоизи;

халқаро грантлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг тараққиёт Жамғармаси маблағлари мақсадли равишда қатъиян қуйидагиларни молиялаштиришга йўналтирилади:

инвестиция лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишланмаларини амалга ошириш, янги турдаги ўсимликларини ҳимоя қилиш воситалари, минерал, органоминерал ва комплекс (мураккаб) ўғитларни ўзлаштириш;

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни амалга ошириш;

янги лабораторияларни ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш, шу-

нингдек илмий-тадқиқот институтлари, марказлар ва лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар ва техника билан жиҳозлаш.

«Ўзагрокимёхимоя» АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзагрокимёхимоя» АЖнинг тараққиёт Жамғармаси маблағларини шакллантириш ва мақсадли ишлатиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2017 йилдан бошлаб, ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари ва дефолиантларни улгуржи сотиш бўйича битимлар (шартномалар) тузиш ҳар йили ўтказиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада амалга оширилади;

ярмарка савдолари қатнашчилари бўлиб, бир томондан, «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибига кирувчи ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари ва дефолиантларни ишлаб чиқарувчи бошқа ташкилотлар, иккинчи томондан — ҳудудий улгуржи харидорлар «Ўзагрокимёхимоя» АЖ ва маҳсулотларни улгуржи харид қилувчи бошқа истеъмолчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги «Ўзагрокимёхимоя» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериладиган минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари ва дефолиантларга бўлган буюртмаларни шакллантирилиши, сотиш ҳамда ҳисоб-китоблар қилиш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда 2017 — 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш кимёвий ва биологик воситалари билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, агрокимёвий хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини химоя қилиш бўйича хизматлар сифатини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастурини тасдиқласин;

«Ўзагрокимёхимоя» АЖ ва ҳудудий «Агрокимёхимоя» АЖларни стратегик хом ашёни ишлаб чиқариш ва бирламчи қайта ишлаш соҳасида фаолият юритадиган ҳудудий акциядорлик жамиятлари, шунингдек табиий монополия субъектлари ҳамда тартибга солинадиган нархлар бўйича ижтимоий аҳамиятга эга товарлар ва хизматлар етказиб берувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

10. «Қишлоқхўжаликкимё» ва Республика ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё марказини 5-иловага* мувофиқ таркибда дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларининг инвентаризациясини ўтказиш бўйича Комиссия ташкил этилсин.

Комиссия (Г.И. Ибрагимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда

* 5-илова рус тилидаги матнда берилган.

«Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ ва Республика ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё марказининг дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини тўлиқ инвентаризация қилсин ва натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича таклифлар киритсин:

«Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ ва Республика ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази олдидаги тугатилган фермерлик хўжаликларининг кредиторлик қарзларини реструктуризация қилиш;

«Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ ва Республика ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази ва унинг бўлинмаларининг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига бўлган тўлов қарзлари бўйича қўлланилаётган молиявий санкциялари суммаларини бекор қилиш.

11. 2022 йилнинг 1 январигача «Электрокимёсаноат» АЖ, «Ўзагрокимё-химоя» АЖ ва унинг ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга кўра олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган таъсир кучига эга моддалар, ўсимликларни химоя қилиш кимёвий ва биологик воситалари, асбоб-ускуналар ва технологиялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

12. «Ўзагрокимёхимоя» АЖ Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 38-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда «Ўзагрокимёхимоя» АЖни, зарур коммуникация ва телефон алоқаси, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзагрокимёхимоя» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Г.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 24 октябрь,
ПҚ-2640-сон